

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.V.02.08
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВА ОЙБАХОР БАХРИТДИНОВНА

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ МЕВАЛИ БОҒЛАРИ ТУПРОҚ
МАКРОФАУНАСИНИНГ СИСТЕМАТИК ТАРКИБИ, ЭКОЛОГИЯСИ
ВА ХЎЖАЛИКДАГИ АҲАМИЯТИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contens of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ниязова Ойбахор Бахритдиновна

Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқ макрофаунасининг систематик таркиби, экологияси ва хўжаликдаги аҳамияти..... 3

Ниязова Ойбахор Бахритдиновна

Систематический состав, экология и хозяйственное значение почвенной макрофауны фруктовых садов Зарафшанской долины..... 21

Niyazova Oybakhor Baxritdinovna

Systematic structure, ecology and economical meaning of soil macrofauna of Zarafshan valley's orchards..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.В.02.08
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВА ОЙБАХОР БАХРИТДИНОВНА

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ МЕВАЛИ БОҒЛАРИ ТУПРОҚ
МАКРОФАУНАСИНИНГ СИСТЕМАТИК ТАРКИБИ, ЭКОЛОГИЯСИ
ВА ХЎЖАЛИКДАГИ АҲАМИЯТИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/В244 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdu.uz манзилига ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Иззатуллаев Зувайд биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Медетов Мехсетбай Жапакович биология фанлари доктори Тангиров Хасан Тоштемирович биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.30.08.2018.В.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети Биология факультети биноси. 2-қават мажлислар зали. Тел. (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-51; E-mail: m_nasrullaeva@mail.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

З.Т. Ражамуродов
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

М.С. Кузиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, PhD.

Х.Қ.Ҳайдаров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги, илмий семинар раиси б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашда мевали дарахтлар ва сабзавотлар етиштириш асосий йўналишлардан бири сифатида фойдаланилмоқда. Айтиш жоизки, ер юзида мевали интенсив боғлар ҳажмининг тез суръатларда ошиб бориши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсификацияси, биоценозларнинг ўзгариши ва табиий захиралар, жумладан, фаунанинг турлар таркибини кескин камайишига, шу билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини пасайишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, фаунистик камбағаллашаётган мевали боғлар тупроқлари ҳайвонлари таркибини таҳлил қилиш, шунингдек, тупроқларнинг қайта тикланишида алоҳида ўринга эга бўлган турларни аниқлаш, уларнинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамиятини баҳолаш орқали амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида тупроқ унумдорлигини яхшилашнинг инновацион усуллари тадқиқ қилиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларида ва тупроқнинг унумдорлигини оширишда фаол қатнашадиган организмларнинг тур таркибини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини баҳолаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида мунтазам фойдаланилаётган майдонлар, жумладан, мевали боғлар тупроқлари унумдорлигини оширишда мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг тур таркибини аниқлаш, уларнинг тарқалишини таҳлил қилиш ва макрофаунанинг биоэкологик хусусиятларини баҳолаш, мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг хўжаликдаги аҳамиятини аниқлаш орқали уларга қарши кураш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий ва иқтисодий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда республикамизда аҳолини сифатли мева-сабзавотлар билан мунтазам таъминлаш учун мевали интенсив боғлар яратиш, бу соҳада юзага келадиган муаммоларни илмий ечимлар асосида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, турли экосистемалар фаунаси, жумладан, умуртқасиз ҳайвонларни муҳофаза қилиш ҳамда биохилма-хиллигини асраш, улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилиши соҳасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...атроф-муҳит ва генофондга таъсир этувчи муаммоларни бартараф этиш» вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан Ўрта Зарафшон водийси ҳудудидаги мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг биохилма-хиллигини аниқлаш, фойдали турларни муҳофаза қилиш усуллари такомиллаштириш ва зарарли турларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-408-сонли “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида” ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқ унумдорлигини ошириш, мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг тур таркиби ва микдорини баҳолаш бўйича маълумотлар хорижий олимлар Marshall (1973), Атлавините (1990), Ruano ва бошқалар (2004), Fayez et al (2011), Martins da Silva ва бошқалар (2011), Ramos ва бошқалар (2011), A.L. Franco, M.L.Bartz, M.R.Cherubin, D.Baretta, C.E.Cerri, J.Feigl, D.H.Wall, C.A.Davies, C.C.Cerri (2013), Alena Wal msley, ArtemiCerdea (2017) ишларида баён қилинган. МДҲ мамлакатларида тупроқ макрофаунасининг морфо-экологик хусусиятлари ва тур таркибини аниқлашга оид маълумотлар А.И.Зражевский (1957), Б.Р. Стриганова, Н.М. Порядина (2005), И.В. Шохин (2007), А.А. Покаржевский ва бошқалар, (2007), С.А. Шабалин (2009), Д.И. Олейник (2012), А.А. Приземин, И.Р. Кочкарёв (2013) каби олимларнинг илмий маълумотларида ёритилган.

Ўзбекистонда тупроқ зоологиясига оид илмий тадқиқотлар Н.А. Димо (1916, 1938, 1945), С.Г. Медведев (1952), О.Н.Крыжановский (1965), М.С. Гиляров (1965), А.Т. Тўлаганов (1936), Р.А. Олимжонов (1946) У.А. Ташпулатова, З.И. Иззатуллаев (2002), А. Қулмаматов (2004) А.Ю. Раҳматуллаев (2004) каби олимлар томонидан чоп қилинган илмий манбаларда учрайди.

Аммо илмий адабиётлар ва бошқа манбаларда Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг таксономик таркиби, биоэкологик хусусиятлари ва хўжаликдаги аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар амалда кам учрайди ва бу борада чуқур тадқиқотлар олиб борилмаган. Мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, фаунистик таркибини таҳлил қилиш, тупроқ типлари бўйича тарқалиши, фойдали турларни сақлаб қолиш, зарарли турларга қарши кураш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муайян илмий-амалий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети Экология ва атрофни муҳофаза қилиш кафедрасининг (2010-2018 йй.) илмий-тадқиқот ишлари доирасидаги “Зарафшон водийсининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси” ва 4.Ф.4.1.7 рақамли “Ўзбекистон моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги” (2003-2007 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўрта Зарафшон водийсидаги мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг таксономик таркибини, биоэкологик хусусиятлари ва хўжаликдаги аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг тур таркибини аниқлаш;

Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқ макрофаунасининг биоэкологик хусусиятларини баҳолаш;

тупроқ макрофаунасининг мевали боғлар биоценози, агроценозлари ва тупроқ типлари бўйича тарқалишини таҳлил қилиш;

мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг хўжаликдаги аҳамиятини баҳолаш ва уларга қарши кураш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар макрофаунаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўрта Зарафшон водийси тупроқ макрофаунасининг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари ва хўжаликдаги аҳамияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация иши тадқиқотларини амалга оширишда умумқабул қилинган зоологик, энтомологик, малакологик, экологик, морфометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўрта Зарафшон водийси мевали боғларида ёмғир чувалчангларнинг 1 оила 3 авлодга мансуб 5 тури, куруклик моллюскаларининг 6 оила, 6 авлодга мансуб 9 тури, ҳашаротларнинг 1 оила 10 авлодга мансуб 14 тури тарқалганлиги аниқланган;

ёмғир чувалчангларидан: 1 та кенжа тури - *Aporrectodea caliginosa caliginosa* Savigny, 3 тури - *Dendrabaena byblica* Rosa, *D. veneta* Rosa, *Eusenina fetida* Savigny; куруклик моллюскаларидан: 4 тури - *Cochlicopa lubrica* Müller, *Vallonia pulchella* Müller, *Leucozonella rufispira* Martens, *L. retteri* Rosen; ҳашаротлардан: 6 тури - *Polyphylla tridentata* Reitter, *Chioneosoma porosum* Fischer von Waldheim, *Epicometis turanica* Reitter, *Oxythyrea cinotella* Schaum, *Potosia turkestanica* Kraatz, *P. marginicollus* Fabricius, жами 14 та тур Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлари фаунаси учун янги тур эканлиги аниқланган;

Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқ макрофаунаси яшаш шароитига кўра 6 та гуруҳга ва озикланиш усулига кўра 3 та экологик гуруҳларга ажралиши асосланган;

илк бор табиий биоценозлар ва мевали боғлар макрофаунасининг фасллари тарқалиш динамикаси очиб берилган;

Ўзбекистон шароитида *Melolontha hippocastani* Fabricius, 1801 нинг фенологияси, популяция сонининг мавсумий ўзгариш хусусиятлари, личинкаларнинг тупроқ қатламлари бўйлаб миграциясининг ҳарорат ва намликка боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланган.

илк бор *M. hippocastani* личинкаларига механик ва кимёвий қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқларида тарқалган ёмғир чувалчанглари, қуруқлик моллюскалари ҳамда ҳашаротларнинг табиий, маданий ва интенсив боғларда тарқалиши, уларнинг ҳаётий циклига оид олинган маълумотлар натижасида, боғларнинг ҳашаротлар билан зарарланишини олдини олиш ва қарши кураш чоралари борасида тавсиялар ишлаб чиқилган;

мева боғлар тупроқ макрофаунасининг тур таркиби ва тарқалиши бўйича эришилган натижалар ҳудудлардаги умуртқасиз ҳайвонлар популяцияси сонининг мавсумий ўзгариши, фасллари тарқалиш динамикаси ва тупроқ қатламлари бўйлаб миграцияси очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги классик ва замонавий усуллар қўлланилганлиги, кўп йиллик тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг ўзаро мос келиши, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар биоценоз ва агроценозлари тупроқларида тарқалган макрофаунасининг таксономик таркибининг аниқланганлиги, биоэкологик хусусиятларини очиб берилганлиги, популяциялардаги микдорий кўрсаткичларини аниқланганлиги билан изоҳланади. Экологик гуруҳларга тавсифланган, хўжалик аҳамияти эга бўлган фойдали ва зарарли турлар таркибини аниқлаб, берилган ҳамда натижаларнинг тупроқ зоологияси соҳасининг назарий қисмини тўлдирган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тупроқ макрофаунаси организмларидан озик занжирида табиий озуқа сифатида паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларида фойдаланиш йўллари ҳамда мевали боғларга зарар келтирувчи турларга самарали қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқ макрофаунаси систематик таркиби,

морфологик, экологик хусусиятлари, тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

меваги боғлар тупроқлари макрофаунасининг биоэкологик хусусиятлари ва тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар Самарқанд вилояти Қўшрабат туманидаги узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари узумзорларининг май қўнғизи билан зарарланишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 13 июлдаги 02/030-208-сон маълумотномаси). Натижада узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ихтисодий самарадорликни 8,33% га ошириш имконини берган;

меваги боғлар тупроқ макрофаунасининг турлар таркиби бўйича маълумотлар Самарқанд вилояти экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида ҳудуднинг популяцион кўрсаткичларини аниқлашда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 03-03/2-4562 - маълумотномаси). Натижада тупроқ макрофаунаси таркибининг ўзгаришини баҳолаш орқали ҳудуднинг экологик омиллар ўзгарувчанлигини аниқлаш ва улар асосида ҳайвонот дунёсини барқарорлигини сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий мазмуни 118 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, унда тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Тупроқ фаунаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили” деб номланган биринчи бобда Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунаси (ёмғир чувалчанглари, куруқлик моллюскалари ва хашаротлар) тур таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари ва хўжаликдаги аҳамиятини ўрганиш бўйича Ўрта Осиё ва МДХ давлатларида тупроқ макрофаунасининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, то шу кунгача бўлган давр давомида ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган.

Тупроқ унумдорлигини ошириш, мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг тур таркиби ва миқдорини баҳолаш бўйича тадқиқот ишлар хорижий олимлар Marshall (1973), Атлавините (1990), Ruano ва бошқалар (2004), Favez et al (2011), Martins da Silva ва бошқалар (2011), Ramos ва бошқалар (2011), A.L. Franco, M.L.Bartz, M.R.Cherubin, D.Baretta, C.E.Cerri, J.Feigl, D.H.Wall, C.A.Davies, C.C.Cerri (2013), Alena Wal msley, ArtemiCerde (2017) томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида тупроқ макрофаунасининг морфо - экологик хусусиятлари ва тур таркибини аниқлашга оид тадқиқотлар А.И.Зражевский (1957), Б.Р.Стриганова, Н.М.Порядина (2005), И.В. Шохин (2007), А.А. Покаржевский ва б., (2007), С. А. Шабалин (2009), Д.И.Олейник (2012), А.А.Приземин, И.Р.Кочкарёв (2013) тадқиқотларида ёритилган. Ўзбекистонда тупроқ зоологиясига оид илмий тадқиқотларни Н.А.Димо (1916, 1938, 1945), С.Г.Медведев (1952 в), О.Н.Крыжановский (1965), М.С.Гиляров (1965), А.Т.Тўлаганов (1936), Р.А.Олимжонов (1946) У.А.Ташпулатова, З.И.Иззатуллаев (2002), А.Қулмаматов (2004) А.Ю.Раҳматуллаев (2004) лар олиб боришган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқотлар Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг ҳозирги ҳолати ва тупроқ макрофаунасининг тупроқ унумдорлигини оширишдаги ролини Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунасида кенг тарқалган умуртқасиз организмларнинг фаунистик таркиби ва таксономияси, турларнинг морфо – экологик хусусиятлари, тупроқ типларида горизонтал ва вертикал тарқалиши, уларга абиотик омилларнинг: ҳарорат, намлик, биоценоз ҳамда агробиоценозларда турлар хилма-хиллигини аниқлаш, мевали боғлар улар ўрнида яратилган интенсив боғлар ва хусусан мутлақо янги интенсив боғлар тупроқ макрофаунасида турлар сонининг нисбатлари ўзгариш сабабларини аниқлаш, зарарли турларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга. Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунаси маҳсус ўрганилмаган эканлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар материаллари ва усуллари”** деб номланган II бобида далада тажриба олиб борилган худудлар ҳамда тадқиқот материаллари ва услублари баён қилинган.

Тадқиқот ишида 2004 - 2017 йилларда Ўрта Зарафшон водийси (Самарқанд вилояти мисолида) баҳор, ёз ва куз фаслларида мевали боғлари: табиий биоценозлардан: Ургут тумани Еттиуйлисой дараси ва Жомбой тумани Зарафшон табиат миллий боғи ёнқозорларидан; агроценозлардан - мевали боғлар - ўрикзор, олмазор ва тоқзорлардан терилди. Бундан ташқари,

биз Самарқанд давлат университети Биология факультети зоология кафедраси ҳамда География ва экология факультети экология кафедраларида сақланаётган энтомологик ва малакологик коллекцион материаллардан фойдаландик. Жами бўлиб, терилган ва ўрганилган ҳудудлардан 2100 та намуналар олинди, улардан: хашаротлар 1000 дона, куруклик моллюскалар 500 ва ёмғир чувалчанглари 600 донадан ортиқ намуналардан иборат.

Йиғилган материалларни фиксация қилиш, анатомик тадқиқотлар ва морфологик белгиларини ўрганишда М.С.Гильяров (1965, 1987); Т.С.Перель (1979); К.К. Фасулати (1969); И.М.Лихарев ва А.Й.Виктор (1980), А.А.Шилейко (1984), З.И.Иззатуллаев (1990), А.Ю. Раҳматуллаев (2004) услублари қўлланилган. Вертикал йўналишда 0-10 см, 10-20 см, 20-30 см ва 30-40 см гача казиш ишлари бажарилди. Олинган намуналарга терилган жой, кун, йил ёзилди. Намуналар 0,4-0,5 % ли формалинда ва баъзилари 70 %ли спиртда фиксация қилинди. Олинган илмий натижаларнинг таҳлил этишда замонавий статистик усулларида фойдаланиб, OrginPro 7,5 (Microsoft, USA) компьютер дастури ёрдамида бажарилди.

Диссертациянинг “**Мевали боғлар тупроқ макрофаунаси таснифи, таксономик структураси, биоэкологияси, тарқалиши ва шаклланиши**” деб номланган учинчи бобда тадқиқот ҳудуди тупроқ макрофаунаси турлар таркиби ва тарқалишини, уларнинг таксономик структурасини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўрта Зарафшон водийси мевали боғларида макрофаунанинг 8 оила, 20 уруғ ва 28 тури тарқалганлиги аниқланган. Тупроқ макрофаунасидан хашаротлар ва уларнинг личинкаларининг 1 та оила, 1 та кенжа оиласига мансуб 14 тури, ёмғир чувалчанглариининг 5 тури, куруклик моллюскаларининг 8 оиласига мансуб 9 тури яшаши аниқланган. Қуйида систематика ва номенклатуранинг замонавий талаблари асосида турларнинг таксономик таснифи келтирилган:

Annelides типи

Clitellata кенжа типи

Oligochaeta синфи

Lumbricomorpha туркуми

Lumbricidae оиласи

Aporrectodea уруғи (Orley, 1885); Vsevolodova – Perel, 1997

**1. **Aporrectodea caliginosa caliginosa* (Savigny, 1826); Vsevolodova – Perel, 1997.

2. *Aporrectodea rosea* (Savigny, 1826), Vsevolodova – Perel, 1997.

Dendrobaena Eisen, 1873 уруғи emend. Pop, 1941, emend. Vsevolodova – Perel, 1997.

**3. *Dendrobaena byblica* (Rosa, 1893); Vsevolodova – Perel, 1997.

**4. *Dendrobaena veneta* (Rosa, 1886); Vsevolodova – Perel, 1997.

Eisenia Malm, 1877 уруғи, emend. Michaelsen, 1900, emend. Perel; 1974, emend. Vsevolodova – Perel, 1997.

**5. *Eisenia fetida* (Savigny, 1826); Vsevolodova – Perel, 1997

Mollusca типпи

Conchifera кенжа типпи

Gastropoda синфи

Srylommatophora A.Schmidt, 1855 туркуми

Cochlicopidae Hesse, 1922 оиласи

Cochlicopa Ferussac, 1821 уруғи

**6. *Cochlicopa lubrica* (Müller, 1774)

Valloniidae Morse, 1864 оиласи

Vallonia Risso, 1826 уруғи

**7. *Vallonia pulchella* (Müller, 1774)

Ariophantidae Gudwin – Austen, 1888 оиласи

Macrochlamys Benson, 1832 уруғи

*8. *Macrochlamys sogdiana* (Martens, 1971)

Agriolimacidae Wagner, 1935 оиласи

Deroceras Rafinesque, 1820 уруғи

9. *Deroceras caucasicum* (Simroth, 1901)

Parmacellidae Gray, 1860 оиласи

Candaharia Godwin – Austen, 1888 уруғи

*10. *Candaharia levanderi* (Simroth, 1901)

Hygromiidae Tryon, 1866 оиласи

Leucozonella Lindholm, 1927 уруғи

**11. *Leucozonella rufispira* (Martens, 1874)

**12. *Leucozonella retteri* (Rosen, 1897)

13. *Leucozonella mesoleuca* (Martens, 1874)

Xeropicta Monterosato, 1892 уруғи

14. *Xeropicta candaharica* (L.Pfeiffer, 1846).

Arthropoda типпи

Tracheata кенжа типпи

Insecta синфи

Coleoptera туркуми

Scarabaeidae Lawkence, Newton, 1995 оиласи

Melolonthinae Медведов, 1951; Lawkence, Newton, 1995 кенжа оиласи

Melolontha Fabricius, 1775 уруғи

*15. *Melolontha hippocastani* Fabricius, 1801

16. *Melolontha afficta* Ballion, 1870

- Amphimallon* Latreille, 1825 уруғи
- *17. *Amphimallon solstitiale* Linnaeus, 1758
Polyphylla Harris, 1841 уруғи
18. *Polyphylla adspepsa* Motschulsky, 1854
- **19. *Polyphylla tridentata* Reitter, 1892
Chioneosoma Kraatz, 1891 уруғи
- **20. *Chioneosoma porosum* Fischer von Waldheim, 1823
Oryctes Illiger, 1798 уруғи
- *21. *Oryctes nasicornis* Linnaeus, 1758
Cetoniinae кенжа оиласи
Epicometis Burmeister, 1842 уруғи
- **22. *Epicometis turanica* Reitter, 1892
Oxythyrea Mulsant, 1842 уруғи
- **23. *Oxythyrea cinctella* Schaum, 1841
Stalagmopygus Burmeister, 1842 уруғи
24. *Stalagmopygus albellum* Pallas, 1781
Cetonia Fabricius, 1775 уруғи
- *25. *Cetonia aurata* Linnaeus, 1761
Potosia Mulsant, 1871 уруғи
- **26. *Potosia turkestanica* Kraatz, 1886
- **27. *Potosia marginicollis* Fabricius, 1792
28. *Potosia lugubris* Herbst, 1786

Изох:* -Ўрта Осиё эндемиклари

** -мевали боғлар тупроқлари учун янги турлар

Тадқиқотларда Ўрта Зарафшон водийси мевали боғларида қайд этилган тупроқ макрофаунасида *Scarabaeidae* (50,0%), *Lumbricidae* (17,9%) ва *Hygromiidae* (14,3%) оилалари вакиллари доминант эканлиги аниқланган.

Ўрта Зарафшон водийси мевали боғларида тарқалган тупроқ макрофаунаси таксонларининг миқдорий кўрсаткичлари келтирилган. Бунда макрофауна 8 оила ва 20 уруғга мансуб бўлиб, *Lumbricidae* ва *Scarabaeidae* оилаларининг уруғлар сони юқори, *Scarabaeidae* оиласида эса турлар таркиби юқорилиги кўрсатилган. Булардан куруқлик моллюскалари 6 оила 7 уруғ ва 9 тур; ёмғир чувалчанглари 1 оила 3 уруғ ва 5 тур; ҳашаротлар 1 оила 10 уруғ ва 14 турни ташкил этди. (1-жадвал). Бундан хулоса қилиш мумкинки, тупроқда ўсимликлар илдизлари билан озикланувчи зарарли турлар тупроқ макрофаунасининг 50% ини ташкил этди. *Lumbricidae* оиласи вакиллари эса 17,9% ни ташкил этиб, тупроқ структурасини яхшилайди. Ёмғир чувалчанглари турлар таркиби жиҳатидан кам сонли бўлсада, сон


жихатдан доминант турлар ҳисобланади. Мевали боғларда 0,25 м² майдонда 45-50 донадан учраган.

Диссертациянинг учинчи бобида тадқиқот ҳудуди тупроқ макрофаунаси тур таркиби, ёмғир чувалчанглари, қуруқлик моллюскалари ва ҳашаротларнинг терилган жойи, ташқи тузилиши ва биологик хусусиятлари, экологик гуруҳлари, тарқалиши ҳамда турли мевали боғ биоценозлари ва агроценозларида тарқалишини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

**Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқ макрофаунасининг
таксономик таркиби**

Тупроқ макрофаунаси оилалари	Таксономик бирликлар		
	Авлодлар сони	Турлар сони	% ҳисобида
<i>Lumbricidae</i>	3	5	17,9
<i>Cochlicopidae</i>	1	1	3,57
<i>Valloniidae</i>	1	1	3,57
<i>Ariophantidae</i>	1	1	3,57
<i>Agriolimacidae</i>	1	1	3,57
<i>Parmacellidae</i>	1	1	3,57
<i>Hygromiidae</i>	2	4	14,3
<i>Scarabaeidae</i>	10	14	50,0
Жами: 8	20	28	100,0

Тадқиқотлар натижасида Ўрта Зарафшон водийси мевали боғларни ўрганиш жараёнида йиғилган ва аниқланган материаллар асосида тупроқ макрофаунасида: ҳашаротлар 50% ни, қуруқлик моллюскалари 32 % ни ҳамда ёмғир чувалчанглари 18 % ни ташкил этди. Ҳашаротларнинг турлар сони юқори, қуруқлик моллюскалари ўртача ва ёмғир чувалчанглари эса кам сонли эканлиги, асосан ўсимлик илдизларига, баргларига зарар келтирувчи турлар сон жиҳатидан доминантлиги аниқланган (1-расм).



1-расм. Мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг турлар сонини фоизларда ифодаланишин: I-ҳашаротлар, II – қуруқлик моллюскалари, III - ёмғир чувалчанглари


Тадқиқотлар натижасида Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунаси яшайдиган мевали боғлари 2 та гуруҳга: яъни 1-гуруҳ – биоценозлар (Еттиуйлисой дараси бодом ва ёнғоқзорлари, Зарафшон табиат миллий боғи ёнғоқ ва олма ўсадиган парцеллари), 2-гуруҳ-агроценозлар (фермер хўжаликлардаги олмасор, ўрикзор, узумзор, хусусий боғ ҳамда

“Қалдирғоч нафис боғлари”, “Оҳалик интенсив боғлари”) даги тупроқлар эканлиги аниқланган.

Тупроқ макрофаунаси яшайдиган биринчи гуруҳга – биоценозлардаги бодомзор, ёнғоқзор, олмазорлар мансуб бўлиб, у ерда яшайдиган тупроқ макрофаунаси таркибининг бодомзорларда-22, ёнғоқзорларда-16 тур учраб, *Eisenia fetida* геобионт, *Melolontha hippocastani*, *Amphimallon solstitialis*, *Oryctes nasicornis*, *Cetonia aurata* лар, геобионт, фитофаг, ризофаг турларнинг популяциялари миқдорий жиҳатдан доминант эканлиги аниқланган. Бодомзор ва ёнғоқзорларда турлар сони юқорилиги табиий биоценозларга инсон томонидан тупроққа ишлов берилмайди. Табиий боғларда турлар таркиби ва сони агроценозларга нисбатан юқоридир. *Aporrectodea caliginosa caliginosa* илк бор Самарқанд вилоятида янги кенжа тур сифатида қайд этилган.

Иккинчи гуруҳнинг яшаш жойига – агроценозлардаги олмазор, ўрикзор, узумзор, хусусий боғ ҳамда “Қалдирғоч нафис боғлари”, “Оҳалик интенсив боғлари” ташкил этиб, олмазор - 13, узумзор - 9, ўрикзор – 7, хусусий боғ - 6 ва интенсив боғлар – 4 турларнинг тарқалганлиги кўрсатилган. *Dendrobaena byblica*, *Macrochlamys sogdiana*, *Deroceras caucasicum*, *Melolontha hippocastani*, *Oryctes nasicornis*, *Amphimallon solstitialis*, *Cetonia aurata* турлари мевали боғлар тупроқларида сон жиҳатидан устунлиги ҳамда доимий турлар эканлиги таъкидланган.

Агроценозларда, айниқса интенсив боғларда турлар сонининг камлиги инсон томонидан механик, агротехник, физико-кимёвий ва биологик кураш чоралари муттасил қўлланилиши ҳисобланади. Бунга сабаб агроценозлардаги боғларга турли хил ишлов бериш натижасида турлар таркиби ва сони камайган.




2-расм. Мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг биоценоз ва агроценозлар бўйича тақсимланиши: I-бодомзор, II –ёнғоқзор, III –олмазор, IV –узумзор, V-ўрикзор, VI- хусусий боғ, VII –интенсив боғ.

Тадқиқотлар давомида Еттиуйлисой бодомзорлари ва Зарафшон табиат миллий боғи ёнғоқзорларида турлар таркиби 28,50 ва 20,80% ни ташкил этган, энг кам турлар таркиби янги ташкил этилган интенсив боғларда 5,2 % ни ташкил этган.

Кўп йиллик тадқиқотларда давомида тўпланган материаллар асосида Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунаси турлари 6 та, яъни I-гигробионт, II - ксеромезобионт, III – псаммобионт, IV - ксеробионт, V - ксерогигробионт, VI - геобионт экологик гуруҳларга мансуб эканлиги аниқланган. Озиқланишига қараб тупроқ макрофаунаси экологик гуруҳлари куйидагича: кўнғизлар ва куруқлик моллюскалари - фитофаг, кўнғиз личинкалари - ризофаг ҳамда ёмғир чувалчанглари - педофаг эканлиги таҳлил қилинган.


Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунасига тааллуқли ёмғир чувалчанглари, куруқлик моллюскалари ва ҳашаротлар ва уларнинг личинкаларининг экологик гуруҳ турларининг сони жиҳатидан геобионт гуруҳлар юқори кўрсаткични ташкил этиб, улар таркибида геобионт турлар сони 18 тур 64,33% ни, ксерогигробионт турлар 4 турдан 14,2% ни, ксеробионт турлар эса 3 тур 10,7% ни, гигробионт, псаммобионт ва ксеромезобионт турлар 1 турдан 3,57% дан иборатлиги кўрсатилган (3-расм).



3-расм. Мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг экологик гуруҳлари бўйича тақсимланиши: I-гигробионт, II - ксеромезобионт, III -псаммобионт, IV - ксеробионт, V-ксерогигробионт, VI - геобионт.

Геобионт турлар ҳашарот ва ёмғир чувалчанглари бўлиб, тупроқ макрофаунасининг асосий экологик гуруҳлари ҳисобланади. Ҳашаротлардан май кўнғизи – псаммобионт, қолган экологик гуруҳлар эса куруқлик моллюскаларидир (3-расм).


Тадқиқотларда *M. hippocastani* нинг зичлигининг мавсумлар бўйича миқдорий ўзгариши аниқланган (4-расм.)



4-расм. Май қўнғизи ва личинкасининг мавсумлар бўйича миқдорий динамикаси

Тадқиқотлар давомида *M. hippocastani* нинг популяциядаги зичлиги февраль ойи бошларида энг паст ($1,7 \pm 0,5$) бўлиши, тупроқ ҳароратининг кўтарилиши билан март-апрель ойларида у максимал даражага ($49,5 \pm 3,4$) етиши, тупроқ намлиги пасайиши билан май ойдан бошлаб, ($36,0 \pm 2,9$) аста-секин зичлик яна пасайиб, июнь-август ойларида энг паст ($2,4 \pm 1,1$) сентябрь ойида зичлик сезиларли даражада ошиб ($27,8 \pm 2,1$), октябрь ойида у яна кўтарилиши ($33,8 \pm 0,9$) аниқлаган.


Тадқиқотларимизда *M. hippocastani* нинг туманлараро тарқалиши ўрганилган. Жомбой туманида май қўнғизи сони 1 м^2 да 2,1 ни, Ургут ва Тайлоқ туманларида 1,9 ни ҳамда Пастдарғом ва Окдарё туманларида 1,2 донани ташкил этган. (5 -расм).



5-расм. Самарқанд вилояти туманларида май қўнғизининг тарқалиши

Диссертациннинг “Мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг тупроқ типларида тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти” деб номланган тўртинчи бобида тупроқ макрофаунасининг тупроқ типларида тарқалиши, хўжаликдаги аҳамияти ҳамда зараркунандаларга қарши кураш чоратадбирлари бўйича тажриба натижалари келтирилган. Тупроқ макрофаунаси умуртқасиз ҳайвонлари биоценоз ва агроценозларда турлар сони жиҳатидан

хайвонот дунёсида ҳашаротлар биринчи, моллюскалар иккинчи ўрин бўлиб, уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига зарар келтиради. Тадқиқотлар давомида суғориладиган типик бўз тупроқларда тупроқ макрофаунаси турлар сони 16 тани ташкил этиб, 57,14% ни, суғориладиган аллювиал ўтлоқ тупроқлар эса 21,42% ни, тоғ жигарранг тупроқларда эса 4 тур 14,28 %ни, тоғ жигарранг тупроқлар ва суғориладиган типик бўз тупроқлар эса 2 та тур 7,14 % ни ташкил этган бўлса, тоғли ландшафтнинг жигарранг тупроқларида геобионтлар гуруҳлари 43,75 % ни, иккинчидан: вилоят тупроқларидан суғориладиган типик бўз тупроқларда фитофаглар гуруҳи 31,25% ни ташкил этган (6-расм).



6-расм. Самарқанд вилояти мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг тупроқ типларида тарқалиши: I - тоғ жигарранг ва суғориладиган типик бўз тупроқлар, II - тоғ жигарранг тупроқлар, III - суғориладиган аллювиал ўтлоқ тупроқлар, IV - суғориладиган типик бўз тупроқлар.

Тадқиқотларда адабиёт маълумотларига таяниб, ёмғир чувалчанглари тупроқни қайта ишлаб гумус билан бойитиши, куруқлик моллюскаларидан *Candaharia levanderi* ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари билан озикланиб дикроцелий гельминтларининг оралик хўжайини, 5 та чиғаноқли куруқлик моллюскалари гельминтларнинг оралик хўжайин эканлиги келтирилган. *S. lubrica* қорамолларда протостронгелёз касаллигини келтириб чиқариши, ҳашаротлардан *Melolontha hippocostani*, *Cetonia aurata* нинг личинкаларида гигант тиканбош тухумлари ривожланиши, ҳашаротлар дарахтларнинг илдизи, гули, меваси, баргларига зарар етказиши ҳамда *C. aurata* нинг ўсимликларни чанглатувчилик хусусияти ҳақида маълумотлар келтирилган. Натижада тадқиқот ўтказилган ҳудудда тупроқ макрофаунасида 28 та (5 турдаги ёмғир чувалчанглар, 9 турдаги куруқлик моллюскалари ва 14 турдаги ҳашаротлар) фойдали ва зарарли турларнинг хўжаликдаги аҳамияти берилган.

Тадқиқотлар давомида узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликда май кўнғизига қарши механик, агротехник, экспериментал ва ишлаб - чиқариш тажрибалари олиб борилган.

Май қўнғизига қарши децис 2,5% препаратининг биологик самарадорлиги, %. (узумзор)

Вариантлар	Препаратни ишлатиш меъёри, 0,7 л/га	Дори сепулгунча ҳашаротлар сони, 1м ²	Дори сепилгандан кейин нобуд бўлган ҳашаротлар сони			Препаратнинг самарадорлиги, %		
			3-кун	7-кун	10-кун	3-кун	7-кун	10-кун
Назорат	д/сиз	12	11	13	12	0	0	0
Децис % эм.к.	0,5 л/га	13	5,2	6,2	7,5	40,0	52,0	58,0
Децис % эм.к.	0,6 л/га	14	6,3	8,1	11,2	45,0	58,0	80,0
Децис % эм.к.	0,7 л/га	15	7,5	9,5	12,3	50,0	63,0	82,0

Зарарланиш даражаси 25%, яъни 1м² да 5-6 дона личинка учраганда, икки марта лапатка билан ишлов бериш ҳамда қўл билан териб уй паррандаларига озик сифатида берилган. Узумни вегетация даврида 50% зарарланганда децисни (0,7 л/га) баҳор ёки ёз бошида қўнғизлар учуриш вақтида ҳосилни йиғишдан 1 ой олдин трактор ёрдамида пуркаб кетидан культивация ва сув бериш яхши натижа берган. Ишлов беришнинг 3-куни личинкалар 50%, 7-куни 63% ва 10-куни 82% нобуд бўлиши кузатилган. Натижасида узум меваларига салбий таъсир кўрсатмаслиги ўрганилган (2-жадвал).

ХУЛОСАЛАР

Биология фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқ макрофаунасининг систематик таркиби, экологияси ва хўжаликдаги аҳамияти” мавзусидаги диссертация ишини бажариш доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқларида макрофаунанинг 8 оила ва 20 авлодга мансуб, 28 тури аниқланди. Улардан 9 тури куруқлик моллюскалари, 5 тури ёмғир чувалчанглари ва 14 тури ҳашаротларга мансуб. Ёмғир чувалчангларидан 4 тур, куруқлик моллюскаларидан 4 тур, ҳашаротлардан 6 тури тадқиқот ҳудудлари фаунаси учун янгилиги аниқланди ва илк бор, уларнинг таксономик тавсифи ишлаб чиқилди.

2. Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлар тупроқ макрофаунаси яшаш муҳитига кўра 6 та экологик гуруҳларни ўз ичига олади (геобионтлар - 18 тур, ксерогигробионтлар - 4 тур, ксеробионтлар - 3 тур, псаммобионт, гигробионт ва ксеромезобионтлар - 1 тур), озикланиш усулига кўра қўнғизлар ва куруқлик моллюскалари - фитофаглар, қўнғиз личинкалари - ризофаглар ҳамда ёмғир чувалчанглари – педофагларга ажралиши кайд этилди.

3. Ўрта Зарафшон водийси мевали боғлари тупроқларида макрофаунанинг табиий биоценозларда 28 тури: ёнғоқзор ва бодомзорларда хашаротларнинг 14 тури, ёмғир чувалчангларнинг 5 тури ва куруқлик моллюскаларнинг 9 тури, агроценозларда 10 тури: олмазор, узумзор ва ўрикзорларда хашаротларнинг 6 тури, ёмғир чувалчангларнинг 5 тури ва куруқлик моллюскаларнинг 9 тури қайд этилди. Илк бор табиий биоценозлар ва мевали боғлар тупроқ макрофаунасининг фасллар бўйича тарқалиш динамикаси очиб берилди.

4. Ўзбекистон шароитида илк бор *Melolontha hippocastani* нинг ривожланиш фенологияси таҳлил қилиниб, 6 босқичда (кўнғиз, тухум, бир, икки, уч ёшли личинка, ғумбак) ўтиши аниқланиб, улар популяциялари сонининг мавсумий ўзгариш қонуниятлари, личинкаларнинг тупроқ қатламлари бўйлаб миграциясининг харорат на намликка боғлиқ ҳолда ўзгариши илмий таҳлил қилинди.

5. Ўрта Зарафшон водийси тупроқларида тупроқ макрофаунасининг суғориладиган типик бўз тупроқларида - 16 тури, суғориладиган аллювиал ўтлоқ тупроқларида - 6 тури, тоғ жигарранг тупроқларида - 4 тури, тоғ жигарранг ва суғориладиган типик бўз тупроқларда - 2 турининг учраши, тоғли ландшафтнинг жигарранг тупроқларида геофиллар гуруҳи 43,75%, суғориладиган типик бўз тупроқларда фитофаглар гуруҳи 31,25% ни ташкил этиши аниқланди.

6. Олинган илмий натижалар асосида, боғдорчилик ва фермер хўжаликлари учун зараркунанда хашаротлар билан зарарланишга қарши профилактик тадбирларни ташкил этиш ҳамда механик ва кимёвий кураш чоралари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30.08.2018.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НИЯЗОВА ОЙБАХОР БАХРИТДИНОВНА

**СИСТЕМАТИЧЕСКИЙ СОСТАВ, ЭКОЛОГИЯ И ХОЗЯЙСТВЕННОЕ
ЗНАЧЕНИЕ ПОЧВЕННОЙ МАКРОФАУНЫ ФРУКТОВЫХ САДОВ
ЗАРАФШАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

03.00.06–Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.4.PhD/B244.

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Иззатуллаев Зувайд**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Медетов Махсетбай Жапакович**
доктор биологических наук
Тангиров Хасан Тоштемирович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.30.08.2018.B.02.08 при Самаркандском Государственном Университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Конференц-зал факультета Биология Самаркандского Государственного университета. Тел.:(+99866) 239-11-40, факс:(+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного университета. (зарегистрировано под № ___). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Центр информационных ресурсов.Тел.:(+99866) 239-11-51, E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «___» от «___» 2020 г.).

З.Т. Ражамуродов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н.,
профессор

М.С. Кузиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
PhD.

Х.К. Хайдаров
Председатель научного семинара при
Научном совете и о присуждении ученых
степеней, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день выращивание плодовых деревьев и овощных культур является одним из важнейших направлений с целью обеспечения населения Земли полноценными продуктами питания. Необходимо отметить, что увеличение быстрыми темпами объема разводимых интенсивных садов в мире, а также интенсификация сельского хозяйства являются причиной изменения биоценозов и естественных природных ресурсов, в частности резкое уменьшение видового состава фауны, которое наряду с этим приводит к снижению плодородия почв. В связи с этим, фаунистический анализ обедневших видовым составом почв фруктовых садов, в частности определение отдельных видов, участвующих в восстановлении почв, оценка их значимости в повышении плодородия почв имеет важное значение в разработке и внедрению в производство практических рекомендаций.

В настоящее время во всем мире с целью повышения плодородия сельскохозяйственных угодий проводятся научные исследования по разработке и внедрению инновационных методов улучшения плодородия почв. С этой целью определение видового состава организмов, принимающих активное участие в почвообразовательных процессах и в повышении плодородия, а также оценка их биоэкологических особенностей является одной из важнейшей задачей. Разработка рекомендаций по повышению плодородия почв постоянно используемых сельскохозяйственных площадей, в частности почв фруктовых садов на основе определения видового состава макрофауны почв фруктовых садов, анализа их распространения и оценки биоэкологических особенностей макрофауны, определения хозяйственного значения макрофауны почв, имеет большое как научно-практическое значение, так и экономическое значение.

На сегодняшний день в нашей Республике, с целью постоянного бесперебойного обеспечения населения качественными овощами и фруктами создаются интенсивные фруктовые сады отдельное внимание уделяют подходу к научному решению проблем возникающих в данной сфере. В этом отношении, достигаются значительные успехи в изучении фауны экосистем, в частности охрана редких беспозвоночных животных, а также сохранение биоразнообразия, разработки современных методов их рационального использования. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены задачи «...предотравнение проблем, влияющих на окружающую среду и генофонд». Исходя из поставленных задач, в частности определение биоразнообразия почвенной макрофауны плодовых садов Среднезарафшанской долины, усовершенствования методов охраны полезных видов и разработка методов борьбы с вредителями имеют важное научно-практическое значение.

¹Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан № ЗРУ-408 «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «Об охране и использовании животного мира» от 19 сентября 2016 года, Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 914 «О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира» от 7 ноября 2018 года и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетам направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертационное исследование выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. "Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды".

Степень изученности проблемы. Научные исследования, направленные на изучение оценки видового состава и количества почвенной макрофауны фруктовых садов, а также повышению плодородия почв были проведены Marshall (1973), Атлавините (1990), Ruano и др. (2004), Fayez et al. (2011), Martins da Silva и другие (2011). Ramos и др. (2011), A.L. Франко M.J. Bartz, M.R. Cherubin, D. Baretta, C.E. Cerri, J. Feigl, D.H. Wall, C.A. Davies, C.C. Cerri (2013), Alena Wal msley, Artemi Cerda (2017). Исследование морфо-экологических особенностей и видового состава почвенной макрофауны в странах СНГ отображены в работах А.И. Зражевского (1957), Б.Р. Стригановой, Н.М. Порядиной (2005), И.В. Шохин (2007), А.А. Покаржевский и др., (2007), С. А. Шабалина (2009), Д.И.Олейник (2012), А.А.Приземина, И.Р.Кочкарева (2013).

